

*Филология фанлари*

## **ЎЗБЕК ТИЛИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СОҲАСИГА ОИД ТЕРМИНЛАР ВА УЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ**

**Исанова Феруза Тулқиновна**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мустақил изланувчиси

## **ТЕРМИНЫ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА И ИХ ОБРАЗОВАНИЕ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ**

**Исанова Феруза Тулқиновна**

Независимый соискатель Узбекского государственного университета мировых языков

## **TERMS OF INTERNATIONAL LAW AND THEIR FORMATION IN THE UZBEK LANGUAGE**

**Isanova Feruza**

Independent researcher, Uzbek State University of World Languages

**Аннотация:** Уибу мақолада халқаро ҳуқуқ терминологиясининг ўзига хос жиҳатлари, ўзбек тилида тез-тез учрайдиган ва яққол кузатиладиган терминлар ясалишининг асосий усуллари ўрганилган. Терминлар шаклланишининг аффиксация ва синтактик усуллари таҳлил қилинган.

**Ключевые слова:** термин, халқаро ҳуқуқ, аффиксация, синтактик усул, лексикализация.

**Аннотация:** В статье исследуется специфика терминологии международного права, основные способы терминообразования, которые наиболее часто и выпукло наблюдаются в узбекском языке. Анализируются такие методы как аффиксация и синтактический метод терминообразования.

**Ключевые слова:** термин, международное право, терминообразование, аффиксация, синтактический метод, лексикализация.

**Abstract:** The article examines the specifics of the terminology of international law, the main methods of term formation, which are most often and prominently observed in the Uzbek language. Such methods as affixation and the syntactic method of term formation are analyzed.

**Key words:** term, international law, term formation, affixation, syntactic method, lexicalization.

Ҳозирги кунда ҳуқуқнинг алоҳида соҳаларига оид, жумладан халқаро ҳуқуқ соҳасига оид лексик бирликларни тадқиқ этиш ўта долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Бу каби зарурат аввало, давлатлар ва халқлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий алоқаларнинг шиддат билан ривожланиши, инглиз тилининг нафакат Бирлашган миллатлар ташкилотининг, балки бошқа халқаро ташкилотларнинг расмий тили сифатида кенгайиб бориши билан белгиланади.

2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг еттинчи йўналиши мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёsat олиб боришни назарда тутади. Ушбу йўналишда белгиланган мақсадлардан бири – бу Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг норматив-хуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-хуқуқий асосларини такомиллаштиришдан иборат [8]. Тараққиёт стратегиясининг еттинчи йўналишида белгиланган ушбу ва бошқа мақсадлар халқаро ҳуқуқ билан узвий боғлиқдир.

Табиийки, ушбу ҳолатлар филология фани вакиллари олдига ҳам қатор вазифаларни юклайди. Буларнинг энг муҳими – халқаро ҳуқуқ соҳасида юзага келаётган катта миқдордаги терминологик ва лигвистик бирликларни қиёсий ўрганиш ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ соҳасидаги терминларни ўрганишдан олдин “термин” категориясига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада қўплаб тадқиқот ишлари ўтказилган бўлиб, турли таърифлар берилганлигини таъкидлаш жоиз.

«Термин» лексемаси лотинча «terminus» сўзидан келиб чиқкан бўлиб, «охири», «чек», «чегара», «тугаш» деган маъноларни билдиради»[1; С.215]. Термин категориясини диссертация тадқиқоти доирасида таҳлил қилган П.Нишоновнинг таъкидлашича «Термин – тузилишига кўра сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, семантикаси жиҳатидан маҳсус соҳа доираси билан чегараланган ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирлиқдир»[6;26].

С.П.Хижнякнинг фикрича, терминлар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

1. Ягона, яъни муайян қонун ёки бошқа норматив хужжатда бир хил

маънода қўлланиши, бир тизим доирасида ягона маънони ифодалashi лозим;

2. Қонун ижодкори томонидан фақат муайян ҳолат учун кашф этилмасдан, аксинча умумэътироф этилган бўлиши лозим, терминни қандайдир алоҳида маънода қўллаш мумкин эмас;
3. Барқарор бўлиши, яъни терминнинг мазмун ва маъноси контекстга боғлик равища ўзгармаслиги лозим;
4. Муайян тизимдаги бошқа терминлар билан мантиқий боғланган бўлиши;
5. Касбий соҳа доирасида қўлланиши [10; 137].

Демак, илм-фан, техника, қишлоқ хўжалиги ва санъатга оид тушунчаларнинг аниқ номини билдирувчи бир маъноли сўз ва бирикмалар *терминлар* дейилади.

Терминга берилган таърифларни таҳлил қилиб, термин ҳам сўз, аммо у одатдаги сўзлардан маъносининг аниқлиги, бир маънолилиги билан фарқланишини кўрсатиб ўтиш мумкин. Сўз кўп маънога, яъни қўшимча маъноларга эга бўлади, лекин термин бундай хусусиятга эга эмас. Термин маълум соҳада, шу соҳа вакиллари нутқида қўлланилади. Масалан, халқаро ҳуқуқ соҳасидаги терминлар: *геноцид, терроризм, халқаро суд ва ҳ.к.*

Шу ўринда, фанда *термин* сўзи билан бирга *атама, истилоҳ, номенклатура* сўzlари ҳам қўлланилаётганлигини қузатиш мумкин. Ҳатто, ушбу сўзларни бир хил маъноли категориялар деб талқин қилиш ҳолатлари ҳам мавжуд, ваҳоланки улар бир-биридан фарқланади.

«Атама» сўзи кенг маънода қўлланилиб, географик обьектлар, атоқли номларга нисбатан қўлланилса, «истилоҳ» сўзини эса асосан тарихий мавзулардаги матнлар (масалан: адабиёт тарихи, Шарқ фалсафаси)да bemalol қўллаш мумкин. С. Усмоновнинг фикрича, атама сўзининг маъноси термин сўзининг маъносига нисбатан кенг бўлиб, у барча нарсаларнинг номи сифатида тушунилади, термин эса муайян бир тор соҳада қўлланувчи расмийлашган сўздир. Шу маънода, термин тушунчаси «атама» тушунчасининг ичига киравчи илмий-лугавий бирликдир[9; 28].

Професор О.Ахмедов ўз тадқиқот ишида «термин», «атама», «истилоҳ», «номенклатура» тушунчаларини фарқлаб, «Терминлар аслида лексик-семантик жиҳатдан умумадабий қолипга эга бўлиб, улар умумхалқ тилига муайян терминологик тизим орқали ўтади. Зоро, терминлар ва умумистеъмолдаги сўзлар бир-бирини тўлдирадиган лексик бирликлардир»-деб таъкидлайди [3; 21].

Номенклатура тушунчасига энциклопедик луғатда «Номенклатура (лот: nomenclatura) - рўйхат, номлар рўйхати, шунингдек, фан, техника, ҳуқуқ ва

иқтисодиёт соҳасида қўлланиладиган муайян термин ва категория номларининг рўйхати» – деб кўрсатилган. П.П.Нишонов «Бирор предмет ёки воқеликка қўйилган термин аввало, шу предмет ёки воқеликка таъриф ва тасниф беради. Номенклатурада эса бу нарса кузатилмайди. Уларнинг функцияси нарса ва предметларни номлаш билан чегараланади. Демак, «термин» номенклатурага нисбатан кенг ва аниқ тушунча бўлиб маҳсус вазифадаги сўз маъносини берса, «номенклатура» ўзаро ўхшаш бўлган предмет ва тушунчаларни номлаш учун хизмат қилувчи атамадир» деб фикр билдиради [1; 215].

Хуқуқ соҳасидаги терминларни ҳам ўзига хос жиҳатлари борлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. А.Курганов таъкидлаганидек, хуқукий терминология ўзига хос такрорланмас тадқиқот обьекти ҳисобланади, чунки у бошқа терминлар тизимиға қарагандан қўлланиш соҳаларининг ниҳоятда турлитуманлиги билан ажralиб туради [2; 295].

Халқаро хуқуқ соҳасидаги терминларга назар ташлайдиган бўлсак, аввало шуни таъкидлаш жоизки, хуқуқ динамик ҳусусиятга эга воқелик бўлиб, ижтимоий муносабатлар тараққий этиш баробарида доимий ривожланишда бўлади. Халқаро майдондаги кескин ва жадал суръатлар билан рўй бераётган ўзгаришлар халқаро хуқуқнинг халқаро гуманитар хуқуқ, инсон хуқуқларининг халқаро хуқуқи, халқаро космик хуқуқ, халқаро жиноят хуқуқи, халқаро экология хуқуқи, атроф муҳитни муҳофаза қилиш хуқуқи ва шу каби бошқа янги соҳаларини юзага келтирмоқда.

Халқаро хуқуқ соҳасидаги терминлар ва лексик бирликлар генетик, структур-морфологик, структур-синтаксик ва семантик нуқтаи-назардан тизими равишда таҳлил қилинмаган. Ўзбекистон мустақилликка эришган даврдан кейин кириб келган терминлар ҳозиргача халқаро хуқуқ соҳасидаги терминлар тизимидағи лакуналарни (етишмаган тушунчаларни) тўлдириб келмоқда. Шу ўринда, инглиз тили халқаро хуқуқ терминологияси ва лексик бирликлар тизими жуда юқори даражада кенг ва ҳар томонлама ўрганилганлиги билан ажralиб туради ҳамда бошқа тиллар, жумладан ўзбек тилига ўзлаштириш учун самарали манба бўлиб хизмат қиласи.

Ўзбек тилида халқаро хуқуқ соҳасига оид терминларни тадқиқ этишда ушбу терминларнинг бир қатор ўзига хос жиҳатлари борлигини инобатга олиш лозим. Буларга тизимлилк, халқаро хуқуқ соҳасидаги тушунчаларнинг тўлиқ қамраб олинганлиги, зиддиятли эмаслиги, нисбатан барқарорлиги, очиқлиги ва динамик ҳусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шунингдек, халқаро хуқуқ соҳасидаги терминларнинг яна бир жиҳати – бу уларнинг халқаро ҳусусиятга эгалигидир. Ваҳоланки, айнан ташки сиёсий ва ташки иқтисодий соҳаларда халқаро-хуқукий алоқалар амалга ошади. Шу

сабабли, турли халқлар ва турли тил ташувчиларининг ўзаро бир-бирини тушуниши мухим аҳамиятга эга.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, халқаро ҳукуқ соҳасидаги терминларнинг шаклланишида ўзбек тили ўзининг ички имкониятларидан кенг фойдаланади. Ваҳоланки, ўзбек тили терминлари тизимининг ривожланиши, шаклланиши ва такомиллашувида шу тилнинг ички имкониятлари асосий ролни ўйнамоқда. Жамиятимизда содир бўлаётган ўзгаришлар, шу жумладан суд-ҳукуқ ва халқаро оммавий ҳукуқ соҳасидаги ислоҳотлар, Ўзбекистоннинг жадал суръатлар билан жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашви тилнинг ички имкониятларидан максимал фойдаланишни такозо этмоқда.

Бунда ички имконият дейилганда, аффиксация ва синтактик усул билан сўз ясалиши ҳақида фикр юритилмоқда. Профессор, О.Ахмедовнинг фикрича, аффиксация орқали сўз ясаш инглиз ва ўзбек тилларида маҳсулдор усул ҳисобланади ва у икки асосий гурухга бўлинади:

- 1) суффикслар орқали;
- 2) префикслар орқали сўз ясаш.

Аффиксация усулида лексемалар маълум қўшимчалар ёрдамида ифодаланади. Бу морфологик ифодаланиш дейилади. Суффикслар морфологик нуқтаи назардан сўз ясовчи элементлар ҳисобланади, ёрдамчи морфемалар, сўз ясовчи формантлар ўзларида тилнинг энг кичик сўз ясовчи, “қурилиш” элементларини акс эттиради[4; 16].

Ўзбек тили халқаро ҳукуқ соҳасидаги терминларининг ясалишида, уларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишда қуйидаги, *-лик*, *-чилик*, *-гар*, *-дор*, *-увчи*, *-чи* аффикслар фаол иштирок этади. Масалан, *адвокатлик*, *жосуслик*; *террорчиллик*, *давлатчиллик*, *миллатчиллик*; *жавобгар*, *даъвогар*; *айбдор*, *гумондор*, *манфаатдор*; *жиноятчи*, *терговчи*, *ижрочи*.

Шунингдек, ўзбек тилида *-иши* (*-ииши*) қўшимчаси ҳам халқаро ҳукуқ соҳасидаги терминларни шакллантиришда фаол термин ясовчи вазифани ўтайди. Мисол учун, *ёлланиши*, *қийинаш*, *қўрқитиш*, *тайнинлаш*,  *ўғирлаш*, *таҳқирлаш*, *алдаш*, *мажбурлаш*.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда *-иши* қўшимчаси ҳам юридик терминологияда ва халқаро ҳукуқ соҳасида термин ясовчилик функциясини бажараётганлигини кўриш мумкин. *Сайлов*, *сурештирув*, *судлов*, *тинтув*, *қидирув*, *айлов* каби юридик терминлар ана шу қўшимчанинг маҳсулидир.

Халқаро ҳукуқ соҳасидаги терминларнинг **синтактик усул** билан ясалиши ҳақида гап борганда, аввало ўзбек тилининг юридик терминологиясида якка сўзли терминларга нисбатан бирикмали, яъни таркиби икки ёки ундан ортиқ сўзлардан ташкил топган терминлар салмоқли ўринни эгаллашини қайд этиш

керак.

Аёнки, тилшуносликда жами термин ва тушунчаларни туб ва кўшма, ясама лексемалар воситаси билангина ифодалаб бўлмайди. Ясама сўзлар содда ва кўшма сўзларга бўлинади. Кўшма сўзлар эса имло қоидасига кўра қўшиб ёки ажратиб ёзилади. Айни шундай ҳолатда сўз бирикмаларидан кенг фойдаланилиши табиийдир [3; 92-93].

Оддий қилиб айтганда, синтактик усул билан термин ясалиши деганда сўз бирикмасининг сўзга айланиши тушунилади. Маълум бир сўз бирикмаси ягона лексик маъно касб этиши натижасида синтактик бирликдан лексик бирликка айланиши лексикализация жраёни деб аталади. Лексикализация – бу тилнинг алоҳида элементининг (морфема, сўз шакли), сўз бирикмаларининг алоҳида мустақил сўзга ёки фразеологик бирликка айланишидир[5].

Таъкидлаш жоизки, лексикализация усули юридик, шу жумладан халқаро ҳуқуқ соҳасига оид терминларни ҳосил қилишда фаол иштирок этади. Бинобарин, бирикма ҳолидаги юридик терминлар жуда кўп ва ясалиш жиҳатдан хилма-хил кўринишларга эга. Бунга мисол қилиб халқаро шартнома, халқаро инсон ҳуқуқлари, халқаро гуманитар ҳуқуқ, халқаро суд, халқаро экология ҳуқуқи, инсониятга қарши жиноятлар, трансчегаравий жиноятлар, кибер жиноятчилик каби терминларни келтириб ўтиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилида юридик терминлар, шу жумладан халқаро ҳуқуқ терминлари асосан **от+от**, **сифат+от**, **от-харакат** қолипида ясалади. Масалан, *иши вақти, давлат суверенитети, маданий мерос, мустақил давлат, одам ўғирлаш, жазо тайинлаш, пора бериш, пора олиши* кабилар.

Хулоса қили таъкидлаш мумкинки, ўзбек тили халқаро ҳуқуқ терминологиясини тадқик этиш нафакат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Халқаро ҳуқуқ терминларини ҳосил қилишнинг энг самарали усуллари – бу аффиксация ва синтактик усуллардир. Ўзбек тилида аффикслар асосан отларга қўшилади ҳамда терминларнинг шаклланишида **-лик**, **-чилик**, **-гар**, **-дор**, **-увчи**, **-чи**, **-иши (-иши)**, **-в** аффикслар фаол иштирок этади. Халқаро ҳуқуқ соҳасига оид терминларни ҳосил қилишда лексикализация усули фаол иштирок этади.

#### Адабиётлар/Литература/References:

1. Абдуллаева Ш.Н. Тилшуносликда терминология масалаларига оид назарий қарашлар //НамДУ илмий ахборотномаси. <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss5/36>. -2019 йил. 5-сон.
2. www.journal.fledu.uz- "O'zbekistonda xorijiy tillar" ilmiy-metodik elektron журнал. -№ 4 (12). -2016.

3. Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ ва божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филология фанлари докт. дисс. Тошкент, 2016.
4. Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ ва божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филология фанлари докт. дисс. автореф. Тошкент, 2016.
5. Глинкина Л.А. Заметки о лексикализации и грамматикализации в аспекте лингводидактики // Вестник ЧелГУ. 2016. №4 (386). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zametki-o-leksikalizatsii-i-grammatikalizatsii-v-aspekte-lingvovidaktiki> (дата обращения: 13.04.2022)
6. Нишонов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқики. Ном. дисс.. автореферати. – Тошкент, 2009.
7. Ташметова, А. (2022). Хоҳиш – истак категориясининг грамматик ва лексик воситалар ёрдамида ифодаланиши. Scienceproblems.Uz, 1(4), 6. <https://doi.org/10.47390/B1342142022N6>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғриси”даги Фармони// <https://lex.uz/docs/5841063>
9. Усмонов С. Юристнинг нутқ маданияти. - Тошкент.: 2007.
- 10.Хижняк СП. Юридическая терминология: формирование и состав. – Саратов, 1997.
- 11.Hamzayev, H. (2020). Chet tili og’zaki nutqi ta’limida ahamiyatli omillar. Scienceproblems.Uz, 1(1). <https://doi.org/10.47390/A1342112020N13>.